

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Л. Бегимқулова	
Қора тотор ва ироқликларнинг Мовароуннахрдан кўчиши ҳамда	
унга таъсир қилган омиллар.....	171
Ш.Рискулов	
ХIX асрнинг сўнгги чораги ва XX аср бошларида Афғонистондаги	
геосиёсий вазият.....	174
А.Нишонов	
Фарғона водийсининг биринчи шайбоний ҳокими.....	179
С.Мўминов, Н.Кўлдашев	
Навоийнинг сўз қуввати.....	182
Ф.Маматқулова	
“Тоҳир ва Зухра” достонининг Қашқадарёга хос талқини.....	185
Ш.Низамова	
Тахаллуслар билан боғлиқ шеърий санъат ва унсурлар хусусида.....	189
М.Нуъмонжонова	
Зебо Ғаниева жасорати.....	193
С.Хақназарова	
Абдулла Шер ижодида Ватан манзарапари.....	196
М.Хамидов	
Ўзбек шеъриятида Машраб образи талқини.....	198
Г.Ҳимматова	
Характер руҳияти психологизми (Қўчқор Норқобил ижоди мисолида).....	201
И.Доронина	
XX аср адабиётида модернистик оқимлар, футуризмнинг ўзига хос	
хусусиятлари ва унинг ҳар хил турлари.....	204
Э.Гиздулин	
И.Бродский лирикаси турларининг хилма-хиллиги.....	207
Г.Розиқова, Э.Маруфова	
Ўзбек тили лексикасининг шакл ва маъно жиҳатидан ўзгариши.....	210
Д.Юлдашева	
Болаларга хос оғзаки ва ёзма матнларнинг яратилишида	
лингвистик гешталт хусусида.....	214
Н.Умарова, Х.Фаттоҳов	
Арабча ўзлашмалар ва уларнинг Навоий асарларида қўлланиши.....	217
Н.Расулова	
Тиббий терминлар ўқув луғатини тузиш тамойиллари.....	220
М.Сайдова	
К.Болдиқнинг “Адабиётшунослик терминларининг қисқача изоҳли	
оксфорд луғати”даги мураккаб таркибли адабиётшунослик терминлари таҳлили.....	223
Н.Каримова	
Тил материалларини ўрганишга ёндашувнинг долзарб масалалари.....	228
З.Позилжонова	
Маданиятлараро мuloқotда новербал мuloқot турлари.....	231
Н.Турсунова	
Фраземанинг тил бирлиги мақоми хусусида.....	235
Ф.Анварова	
Хорижий тилларнинг давлат тилида иш юритувчилар фаолиятида	
тутган ўрни.....	238
Ф.Раҳматов, М.Аҳмаджонов, М.Мирзарахимов	
Клиент сервер технологиясига асосланган реал вақт тизимларида	
Firebase NoSQL базаларидан фойдаланиш	243
ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ	
Халқпарвар, ватанпарвар, забардаст файласуф олим (1929-2003)	246

УДК: 4.158.3+494.322

БОЛАЛАРГА ХОС ОҒЗАКИ ВА ЁЗМА МАТНЛАРНИНГ ЯРАТИЛИШИДА ЛИНГВИСТИК ГЕШТАЛЬТ ХУСУСИДА

О ЛИНГВИСТИЧЕСКОМ ГЕШТАЛЬТЕ В СОЗДАНИИ ДЕТСКИХ УСТНЫХ И ПИСЬМЕННЫХ ТЕКСТОВ

LANGUAGE GESTALT IN THE CREATION OF CHILDREN'S ORAL AND WRITTEN TEXTS

Д.Юлдашева¹¹ Д.Юлдашева

– ФарДУ, филология фанлари номзоди, доцент.

Аннотация

Мақолада болаларга хос оғзаки ва ёзма матнларнинг яратилишида лингвистик гештальт ҳодисасининг матн идрокига хос когнитив ҳолатлари таҳлил этилади.

Аннотация

В статье анализируются когнитивные особенности феномена лингвистического гештальта при создании детских устных и письменных текстов

Annotation

The article analyzes the cognitive features of the linguistic gestalt phenomenon in the creation of children's oral and written texts.

Таянч сўз ва иборалар: лингвистик гештальт, оғзаки ва ёзма матн, эртак, ҳикоя, антропоцентрик ёндашув.

Ключевые слова ивыражения: лингвистический гештальт, устный и письменный текст, сказка, рассказ, антропоцентрический подход.

Keywords and phrases: linguistic gestalt, oral and written text, fairy tale, story, anthropocentric approach.

Маълумки, кишилик жамиятида инсоннинг руҳий олами, руҳий барқарорлиги ва камолоти фанлар тараққиёти билан тўғри пропоционалликни ҳосил қиласди. Давлат ва жамиятда инсон омили ва манфаатларининг ошиб бориши илм-фанда янги йўналишларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Жумладан, ўзбек тилшунослигига ҳам тилни унинг соҳиби билан бирга ўрганиш ва ўргатиш масаласи тобора долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу эса асримиз бошлариданоқ лингвокультурология, pragmatika, социолингвистика, когнитив ва психолингвистик тамойилларнинг тараққиётига ва истиқболига замин ҳозирлади. Натижада матнга шунчаки, синтактик-семантик жиҳатдан ўзаро боғланган гаплар кетма-кетлиги эмас, балки муайян вазиятда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган вербал муроқот усули, сўзлашувчиларнинг дунёқарashi, ижтимоий мавқеи, тафаккури, миллий ўзига хослигини ифодаловчи ментал қурилма сифатида қарала бошланди [1].

Номинатив-прагматик парадигма саналган антропоцентрик парадигманинг ривожланиши шахсни, маълум вазиятда

сўзловчи ва тингловчи ҳолати ва хусусиятини ўрганиш, билиш билан боғлиқдир.

Дунё тилшунослигига антропоцентрик ёндашув, фанларнинг инсонпарварлашуви, яъни фан этоси саналган шахс омилига эътиборни қаратди [2]. Антропоцентрик ёндашув асосида ўзбек тилидаги матнларнинг когнитив-семантик хусусиятларини аниқлаш хусусида Д.Худойберганованинг тадқиқот ишлари дикқатга сазовордир. У “Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини” номли докторлик диссертациясида бадиий матннинг антропоцентрик, хусусан, когнитив-семантик, психолингвистик ва лингвокультурологик жиҳатларини ёритиб беради.

Бироқ болаларга хос оғзаки ва ёзма матнларнинг антропоцентрик тадқиқи масаласи эътибордан четда қолган. Бу эса ушбу мавзуни тадқиқ қилиш заруратини тасдиқлайди. Маълумки, матннинг яратилишида, хусусан, болаларга хос оғзаки ва ёзма матнларда лингвистик гештальт ҳодисаси кузатилади.

Профессор Ш.Сафаровнинг таъкидига кўра, “Когнитив тилшунослик учун энг муҳим

вазифа тафаккур бирлиги бўлган концептнинг тилда (аникрофи, нутқда) акс этишини таъминловчи структуралар, ҳаракатлар, қоидаларни аниқлашдир” [3]. Концептнинг лисоний воқеланишини таъминловчи бундай тузилмалар лингвокогнитологияда фрейм, скрипт, сценарий, пропозиция, вазият модели, образ, схема, рамз каби номлар остида ўрганиб келинмоқда. Ана шундай ментал тузилмалардан бири лингвистик гешталт ҳисобланади.

Лингвистик гешталт фалсафадаги бутун-бўлак муносабати бўлиб, лингвистик гешталт матн яратилиши ҳодисаси билан бирга унинг идрокий жиҳатига хос когнитив ҳолатлар моҳиятини очиб беришлиги билан аҳамиятлидир. Болалар ҳикоячилигига бўлак ифодаланади, бутун англашилади. Бутун ифодаланса, бўлак намоён бўлади ҳамда яхлит ментал курилма пайдо бўлади.

Гешталт асосидаги матн яратилишида бутундан – бўлакка, унинг ҳиссий-мазмуний идрокида эса бўлакдан – бутунга қараб шаклланиш жараёни амал қиласди.

Мисол тариқасида Нормурод Норқобиловнинг “Капалак” ҳикоясини келтириш мумкин. Ҳикояда Махсум бобо Ҳайдаралига танбех беради: “Боладан кулмайдилар, ўғлим. Кўнгли ўксийди”. Айни шу “Боладан кулмайдилар, ўғлим. Кўнгли ўксийди” синтактик концепти асосида ҳикоя матни яратилади. Шаҳарлик Ҳайдарали ўзи ва аёли талаба бўлгани учун ўғлини ёшига тўлмай қишлоққа ташлаб кетган. Мактаб ёшига тўлгач, шаҳарга олиб кетиш учун келган. Болаларнинг беғубор ҳаракатларини менсимаган Ҳайдаралига Махсум бобо эътиroz билдиради, яъни ҳикояда лингвистик гешталт асосида матн яратила бошланади. Сўнг ҳикоя матнининг ҳиссий-мазмуний идроки болага отанинг “тўнғиллаши”, “норозилик ифодаси”, “хўмрайиши” ва ниҳоят куйидаги хатти-ҳаракатлари: “Жони ҳалқумига келиб, тишлари орасидан сўқинди: - Нима бало, йилинг чўчқами, ахмоқ! - у болакайнинг қўлидаги капалакка чанг солди, кафтида ғижимлаб ерга ташлади. Бу ҳам етмагандек, оёғи билан эзиб, тупроққа қориштириди. Болакайнинг ранги оппоқ оқариб, кўзлари катта-катта очилиб кетди. Беихтиёр икки одим ортга чекинди. Баданидан қирқоёқ ўрмалаб ўтгандай қаттиқ сесканди, кўзларига ёш қалқди, пуштиранг лаблари титраб, бир

нимадемоққа чоғланди-ю, бирдан кескин бурилиб, хув узоқда, кўм-кўк дарахтлар оғушида кўриниб турган қишлоқ сари елдай югуриб кетди.”

Нусрат боланинг ортга югуриб кетиши, унинг кўнгли ўксиши, ҳикояда лингвистик гешталт асосида бўлакдан бутунга қараб, матнда ҳиссий-мазмуний идрок воқеланганидан далолат беради. Ҳикоянинг бошида бобо томонидан айтилган синтактик концепт лингвистик гешталт асосида, яъни бутундан бўлак муносабати ёрдамида Нусрат исмли болакай томонидан эксплещит тарзда воқеланади. Натижада матннинг ҳиссий-мазмуний идроки ҳикояни ўқимишли қиласди. Шу ўринда “Боладан кулмайдилар, ўғлим. Кўнгли ўксийди” синтактик концептнинг ассоциациялари ҳақида фикр юритиши мумкин. Ҳикояда Нусрат, Махсум бобо, улоқча, ғумай, қўзичоқ, қизғалдоқ, шаҳар, мактаб, Ҳайдарали, танга, студент, бедазор, қирқоёқ, капалак каби лексик концептлар синтактик концептнинг ассоциацияларини ташкил этади. Улар лингвистик гешталт асосида, бутун-бўлак тарзида ҳикоя матнини ҳосил қиласди.

Болалар ёзувчиси Нормурод Норқобиловнинг “Дўст” номли ҳикоясида ҳам лингвистик гешталт асосида аввал бутун ифодаланади. “Носирнинг Мутал акаси таниқли боксчи” синтактик концепт матннинг бутун қисми саналади. Ҳикояни шартли равишда беш бўлакка бўлиш мумкин. Биринчиси, Носирнинг Мутал акаси боксда катта ютуқларга эришиб, совринларни қўлга киритганлиги, иккинчиси, Носирнинг рассом, боғбон, учувчи кейин боксчи бўлмоқчилиги, учинчиси, машқ қилмоқчи бўлганда қопга бўйи етмаслиги, кейинги бўлак, қоп деб ўйлагани бир пайтлар севимли ўйинчоғи бўлган пахмоқ айиқаси бўлиб чиқиши, бутуннинг яна бир бўлаки бўлиши ҳикоянинг ҳиссий-мазмуний идрокини вужудга келтиради. “У тўрхалтада, “мени урма”, дегандай шиша кўзларини мўлттайтириб турарди. Носир ўйинчоғига бирпас қараб турди-да, акасидан уни олиб беришни сўради.

- Нега? Ахир, бу сен боп қоп-ку! Бемалол машқ қиласвер.

- Йўқ, - деди Носир жиддий. — У менинг дўстим!

Акаси ўйинчоқни тўрхалтадан бўшатишга мажбур бўлди. Носир уни бағрига

босиб, уй томон кетди". Ҳикоянинг сўнгги бешинчи бўлаги Носирнинг айиқни "дўстим", деб бағрига босиб кетиши билан якунланиб, яхлит ментал қурилма шаклланади. Таъкидлаш жоизки, болалар адабиётида бўри, айик, тулки каби зооморф метафоралардан кенг фойдаланилади [3].

Ўзбек тилидаги матнларнинг когнитив-семантик хусусиятлари ҳақида фикр юритганда, эртак матнларининг яратилишида ҳам лингвистик гешталтга амал қилинганини кўриш мумкин. Масалан, "Фаросатсиз эшак" ўзбек халқ эртагида "У ўзини ақлли деб билар эди" синтактик концепт орқали бутун ифодаланади.[4] Лингвистик гешталт асосида эса матнда бўлаклар намоён бўлади. Эшак дараҳтлардаги меваларга, полиздаги қовоқларга диққат қаратилиши ва табиатнинг ишига ҳайрон қолиши, катта дараҳтларнинг бола муштумидан ҳам кичкина меваси, нозик палакларда калладай қовоқларнинг осилиб туришини кўриб, табиат камчилиги деб топиши, шунда дараҳтнинг меваси эшакнинг бошига тушиб кетганини кўрган чумчуқ:

"— Яхшиямки, олма қовоқдай эмас, бўлмаса, миянгни қатигини чиқариб юборарди," деб эшакнинг фаросатсизлигини имплецит тарзда ифодалаб беради.

Эртакдаги лингвистик гешталт болалар нутқини ривожлантиришга хизмат қилади.[5]

Лингвистик гешталт асосида "Икки эчки" эртагида "Икки қайсар эчки бўлган экан", "Мақтанчоқ қуён" эртагида қуённинг "— Бўридан қўрқмайман, тулкини бир пуфлаб учирив юбораман, — деб чиранибди" синтактик концептлари бутунни ифодалаб, матннинг ҳиссий-мазмуний идрокини оширади, эртак матнларида бирин-кетин бўлаклар намоён бўлади.

Лекин лингвистик гешталтни, унинг немисча "образ, структура, яхлит шакл" маъноларини инобатга олсак[6], объектни фақат қисмлар йиғиндиси сифатида эмас, балки яхлит ҳолда идрок этиш жараёни сифатида қарашимиз керак[7]. Фикримизнинг якунида ўзбек тилшунослигида гешталт ҳодисасининг моҳияти ва унинг назариясини ишлаб чиқсан Ш.Сафаровнинг илмий хуносаси билан якунламоқчимиз: "Матнни қисмлар йиғиндисидан иборат деб қараш, таҳлилни йиғма аналитик усулда бажариш натижасида бу таҳлилда гап синтаксисидан нарига ўтмаслик хавфи туғилди. Бундай хавфдан қочишнинг ягона йўли таҳлилни яхлитликдан қисмларга йўналтириш, гешталт назариясига мурожаат қилишдир" [6].

Адабиётлар:

- Худойберганова Д. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини. Фил.ф.докт....дис. - Т.,2015.
- Воркачев С.Г. Лингвокультурология, языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкоznании // Филологические науки. – М., 2001. – № 1.
- Yuldasheva D., Nabiyeva N. Anthropocentric analysis of the "Wolf" zoomorphic metaphor in children's folklore.-Scientific journal of the Fergana..., 2019-uzjournals.edu.uz.
- Юлдашева Д.М. Болалар фольклорида креол (уйғун) матннинг ифодаланиши. -Молодой учёный, 2020.-elibrary.ru
- Yuldasheva D.M., Órinova F.Ó., Tursunova D.T, Sharofutdinova R.Sh., Ashurova O.A. Pedagogical Features Of Mental Development Of Preschool Children. Solid State Technology Volume: 63 Issue: 6 Publication Year: 2020
- Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Санзор, 2006.
- Хрестоматия по истории психологии. – М.: Изд – во МГУ , 1980.

(Тақризчи: А.Мамажонов – филология фанлари доктори, профессор).